

“ҲАЖ-2018” мавсумида Boeing-767 самолётлари хизмат қилмоқда



03:22 / 01.08.2018 4169

Жорий йилнинг 29 июль кунидан бошлаб “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси “Ҳаж-2018” мавсуми муносабати билан рейсларни йўлга қўйди.

Зиёратчилар жорий йилда бўладиган “Ҳаж-2018” амалларини бажариш учун Саудия Арабистонига Boeing-767 самолётларини бориб келишлари айтилди.

Ўзбекистонлик 7200 нафар зиёратчиларнинг Ҳаж амалларини бажаришлари учун пойтахт Тошкент шаҳри, Наманган, Самарқанд, Қарши ва Бухоро аэропортларидан 32 мартаба қатновлар амалга оширилади. Бу ҳақда МАК Матбуот хизмати хабар берди.

Зиёратчиларни 27 августдан 14 сентябрга қадар муддатда Жидда шаҳридан амалга ошириладиган авиақатновлар орқали юртимизга олиб келиш режалаштирилган.

ЎМИ Матбуот хизмати